

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60310700 - Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналишининг малака  
талаблари*

Тошкент



*...ми*

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_йил «24» 08 даги Ц - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202<sub>1</sub>йил «25» 08 даги ЗБ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	4
1.2.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари .....	4
1.2.2.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....	5
2.	<i>60310700 - Сиёсатшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
	Библиографик маълумотлар.....	7
	Келишув вараги .....	8

# **1. 60310700 - Сиёсатшунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60310700 - Сиёсатшунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

## **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.**

Малака талаби **60310700 - Сиёсатшунослик** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60310700 - Сиёсатшунослик** – “Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот” таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, у халқаро муносабатлар соҳасини ривожлантиришга, ташки сиёsat истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини ҳамда сиёсий билимлар тизими билан бевосита алокадор бўлган халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси, дипломатия асослари, Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг халқаро муносабатлари, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар, давлат бошқарув органлари ва халқаро муносабатларнинг бошка акторлари билан боғлик бўлган назарий ва амалий фаолиятни ўзида қамраб олади.

**1.2.2. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Дипломатик сервис хизмати, Жаҳон ахборот агентлиги ва Дипломатик курслар;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

- вазирликлар, давлат қўмиталари, сиёсий партиялар, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларининг халқаро бошқарма ва бўлимлари;

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, професионал таълим муассасалари ва

техникумлари;

- архивлар, қўлёзма фондлари, ахборот-ресурс марказлари, нашриётлар, оммавий-ахборот муассасалар, турли тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар;
- фан ва маданиятнинг турли соҳалари, давлат муассасалари, мамлакат ва халқаро фаолият билан боғлиқ бўлган нодавлат ва давлат тизимлари;
- таржимонлик фаолияти, мухаррирлик, ноширлик ишлари;
- ихтинослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

#### **1.2.3. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот;
- маънавий ва маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик (умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларда)
- таржимонлик;
- эксперт-таҳлилий;
- лойиҳаларни бошқариш;
- консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.

#### **1.2.4. 60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари**

60310700 - Сиёсатшунослик таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

##### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- сиёсий фанларга оид турли тадқиқотларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ амалиётларни ўтказиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда жаҳон сиёсатига оид адабиётларни экспертиза килиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиша қатнашиш;
- маҳсус адабиётлар ва сиёсатшуносликка оид бошқа илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютукларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, сиёсатшуносликка оид адабиётлар экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳдил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

##### **Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкиллаштириш усулларини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига карши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечётган жараёнларда ёзма маънавий мероснинг ўрни ва таъсири хақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал сұхбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишида умуминсоний кадриятлар, меҳрурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш;

##### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- сиёсат фанларига оид турли тадбир, анжуман ва маърифий сұхбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб

чикиш;

- атроф-мухитни муҳофиза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

**Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):**

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўtkазилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkазиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустакил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

**Таржимонлик фаолиятида:**

- давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;

**Эксперт-таҳлилий фаолиятида:**

- таҳлилий ва илмий тадқиқот ишларини тизимли ёндашув асосида олиб бориш ва компьютерли моделлаштириш, экспериментал услублардан фойдаланиш;

**Лойиҳаларни бошқариш фаолиятида:**

- турли тадбир ва ташаббусларни режалаш ва ижро қилишда лойиҳавий ёндашув;

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио маҳсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

## **2. 60310700 - Сиёсатиунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил кила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқукий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- қабул килинган қарорларнинг ижтимоий аҳамияти нұқтаи назаридан жавобгар бўлиш ва ташкилий ва бошқарув қарорларини топиш қобилиятига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг шаклланиши, ривожланиши, шунингдек демократик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- замонавий сиёсий жараёнларнинг назарий ва амалий масалалари ҳақида етарли билим ҳамда кўнималар, шунингдек мустақил хулоса чиқариш қобилиятини шакллантириш;
- ўрганилаётган минтақа (мамлакат)нинг сиёсий тизими, ташки алоқаларини тарихий ракурсда таҳлили; Ўзбекистон ва ўрганилаётган минтақа (мамлакат) алоқаларининг тарихи, бугуни ва истиқболларига доир билимларни амалда қўллай олиш қобилиятини пайдо қилиш;
- бугунги дунёдаги геосиёсий жараёнларнинг моҳияти, йўналишлари ва дунё тартиботидаги асосий тенденциялар ҳақида етарли тасаввурларни бойитиш;
- глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан амалда татбиқ этилиши механизмлари тўғрисида аниқ тасаввурларни юзага чиқариш;
- халқаро муносабатлар ва сиёсатнинг умумбашарийлиги ҳамда замонавий босқичда дунё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон, Марказий Осиё ҳамда Яқин ва Узоқ Шарқ давлатлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини билиш ҳамда эгалланган билимлар асосида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш қобилиятини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг асосий тамойиллари, давлат манфаатлари ва “Ташки сиёсий фаолият Концепцияси”нинг моҳияти, мақсадлари ҳақида етарли билим ва кўнималарнинг тўпланишини таъминлаш;
- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш даражаси “A1 бошланғич” босқичидан бошлаб “B2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулокот қила олиш” босқичигача бўлган кўнималар доирасидаги билимларни қамраб олиш;
- ўрганилган шарқ ҳамда ғарб тилларида ахборот таҳлилини олиб бориш, шунингдек, таржима ва сиёсий масалалар бўйича объектив консалтинг хизматларини бажариш қобилиятини шакллантириши;
- сиёсатшуносликка оид фанларни ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамойиллари;
- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини хисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01


### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, жаҳон сиёсати; давлат ва жамиятлар ривожига доир ижтимоий-сиёсий қарашлар; тараккиётнинг ўзига хос моделлари, “сиёсат” категорияси; сиёсий ҳокимият; сиёсий онг ва мафкуралар; сиёсий тизимлар; сиёсий жараёнлар; демократия назарияси; сиёсий институтлар; сиёсий партиялар; кўппартиявийлик; ижтимоий гурухлар; сиёсий маданият; сиёсий ривожланиш; модернизация; халқаро сиёсат; сиёсий башорат; сиёсий таҳлил; сиёсий жараёнларни тарихий ракурсда ўрганиш; умумбашарий муаммолар; сиёсий можаролар ва можарошунослик, трансчегаравий жараёнлар; янги жаҳон тартиботи; демографик ва миграцион жараёнлар; геосиёсат.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор  Г.Ш.Рихсиева


2021 йил « 18 » 08



М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хууридаги Олий таълим мини  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

 М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08



Ўзбекистон Республикаси  
Халқ Таълими вазирлиги хууридаги  
Республика Таълим маркази

Директор

 Ш.Сатторов

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хууридаги Давлат бошқаруви  
академияси

Проректор

 Х.Азизов

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.



Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети

Ректор

 И.Мажидов

2021 йил « 18 » 08

М.Ү.

